

2018

APPROACHES FOR STUDYING RELIGIOUS PROCESS IN CYBERSPACE

Moxira Abdullayeva

International Islamic Academy of Uzbekistan, mohira.mz@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

Recommended Citation

Abdullayeva, Moxira (2018) "APPROACHES FOR STUDYING RELIGIOUS PROCESS IN CYBERSPACE," *The Light of Islam*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 13.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2018/iss1/13>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

КИБЕРМАКОНДАГИ ДИНИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР

ПОДХОДЫ К ИЗУЧЕНИЮ РЕЛИГИОЗНЫХ ПРОЦЕССОВ В КИБЕРПРОСТРАНСТВЕ

APPROACHES FOR STUDYING RELIGIOUS PROCESS IN CYBERSPACE

Калит сўзлар: дин, кибермакон, интернет, “онлайн дин”, киберпсихология, видеоўйинлар, мобил диний иловалар, ижтимоий тармоқларда дин.

Ключевые слова: религия, киберпространство, интернет, «онлайн религия», киберпсихология, видеоигры, мобильные религиозные приложения, религия в социальных сетях.

Key words: religion, cyberspace, internet, “online religion”, cyber psychology, videogames, mobile religious apps, religion in social networks.

Техника ва технологияларнинг имкониятлари ва тезлиги ортиб бориши уларнинг инсонлар ҳаёт тарзининг ажралмас қисмига айланишига олиб келди. 1970-йиллардан компьютерлар учун янги дастурлар, тизимлар, хизматларнинг жорий этилиши аҳоли ўртасида улардан фойдаланишга бўлган қизиқишнинг ортишига хизмат қилди. Мазкур жараёнда маълум кўрсаткичларга эришилгандан сўнг, 1990-йилларнинг келига келиб, ишлаб чиқарувчилар томонидан уларнинг таннархи туширилиши компьютерларнинг оммавий тарзда сотилишига олиб келди.

Дастлаб ЭХМларни бир-бирига уловчи тармоқ модем дастурининг яратилиши уланиш имконияти мавжуд бўлган ҳар қандай инсоннинг форум ва гуруҳларда қизиққан масалалари юзасидан фикр қолдириб, қарши фикр билан жавоб қайтариш имкониятини вужудга келтирди. Форум ва гуруҳларнинг сони 1980-йилларда саноқли бўлиб, улар орасида диний мавзуларда фикр алмашиш мумкин бўлганлари ҳам бўлган. Бунга “CommuniTree” тизимидаги “Origins” форуми ҳамда “USENET” тизимидаги “net.religion”, “net.religion.christian”, “net.religion.jewish” номли гуруҳлари мисол бўлади.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида масофаларнинг узоқлигига қарамай жамият ҳаётининг ҳар бир жабҳаси, хусусан диний ҳаётнинг ҳам ахборот коммуникация технологияларида ифодаланиши табиий ҳолга айланди. Ўз навбатида кибермакондаги диний жараёнлар олимлар ва тадқиқотчилар таҳ-

лиллари асосида кенг омма эътиборига етказилди. Хусусан, кибермаконда дин тарихи юзасидан олиб борилган тадқиқотларни қуйидагича таснифлаш мумкин: интернет ва дин, киберпсихология, диний мазмундаги видеоўйинлар, маълум бир давлатлар кибермаконидаги жараёнлар, мобил телефонлардаги ҳамда ижтимоий тармоқлардаги диний мунозаралар таҳлили.

Олим Ҳейди Кемпбел фикрича [1:3], интернет фойдаланувчилари тармоқда тарғиб этаётган диний амаллар ва дунёқарашдаги ўзгаришлар кенг жамоатчилик эътиборига 1995–1996-йилларда эълон қилинган “Техноатеистлар: кибермаконда мистика қайта жонланадими” (“Technopagans: May the Astral Plane Be Reborn in Cyberspace”) ва “Тармоқда илоҳни излаб” (“Finding God on the Web”) номли мақолалар орқали илк бор етказилган.

Америкалик диншунос Розалинд А.Ж.Ҳэкет “Дин ва интернет” [2:67] мақоласида Стефан О’Лири диний жамоалар учун янги медиа-воситанинг аҳамиятини биринчилардан бўлиб 1996 йилда таҳлил қилганлигини қайд этган.

Таҳлиллар “Интернет ва дин” мавзуи доирасида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилганини кўрсатди. Бу борада Ҳейди Кемпбелнинг қуйидаги мақолаларида кибермакондаги дин тарихида бўлаётган ўзгаришлар йиллар изчиллигида таҳлил этилган: “Интернетни илоҳийлаштириш” [3:1 – 26], “Дин ва интернет” [1:1 – 44], “Дин ва интернет: интернет тенденциялари ва оқибатлари ўрганилишининг қисқа кўриниши” [4:680 – 694], “Рақамли ўйинларда динни ўрганиш”, “Рақамли дин” тадқиқотларида диний жамоаларни ўрганишдаги ўзгаришларни баҳолаш” [5:73 – 89]. Шу билан бир қаторда, мазкур муаммони Лорн Л. Даусон, диншунос Розалинд А.Ж.Ҳэкет, Роземари Аванс, Шу-Цэн Тсаи, А.П.Забияко, Е.А.Воронкова, Т.П.Минченко, А.А.Арманова каби олим ва тадқиқотчилар ўрганганлар. Уларнинг асосий тадқиқот объекти бевосита кибермаконда дин борасида олиб борилган турли мазмундаги хатти-ҳаракатлар, уларнинг натижалари, мазкур масалалар юзасидан тадқиқот олиб борган олимлар, муаммонинг ёритилганлик даражалари таҳлилларига қаратилган.

Диний мазмундаги веб-сайтлар сонининг ортиши, уларнинг фаолияти таҳлилига оид изланишлар тадқиқотчилар эътиборини тортди. Масалан, “Yahoo” тармоқ кўрсаткичи маълумотларига кўра, 2002 йилнинг 8 август куни христианликка оид дин ва маънавият бўлимида рўйхатга олинган веб-сайтлар сони 30 130 та бўлган. 24 соат ичида мазкур кўрсаткич 234 тага ортиб, 9 августда 30 364 тани ташкил этган. Шу муддат ичида яхудийликка

Мақолада кибермакондаги диний жараёнларга оид тадқиқотлар таҳлил этилган. Муаллиф томонидан бу йўналишдаги тадқиқотлар қуйидагича таснифлаб ўрганилган: интернет ва дин, киберпсихология, диний мазмундаги видеоўйинлар, маълум бир давлатлар кибермаконидаги диний жараёнлар, мобил телефонлар ҳамда ижтимоий тармоқлардаги диний мунозаралар.

В статье анализируются исследования религиозных процессов в киберпространстве. Данные исследования классифицируются автором по нижеследующим направлениям: интернет и религия, киберпсихология, религиозные видеоигры, религиозные процессы в отдельных государственных киберпространствах, религиозные дискуссии в мобильных приложениях и социальных сетях.

This article examines approaches for studying religious process in cyberspace. The author classifies these researches according to the following sphere: internet and religion, cyber psychology, religious videogames, mobile religious apps and religion in social networks.

оид 54 та, 38 та исломга ва 32 та буддавийлик динига оид янги веб-сайтлар рўйхатдан ўтган [6:42]. Бу борада Торонто университети Диншунослик маркази фалсафа фанлари доктори Кристофер Хелланд 2001–2003-йилларда фаолият юритган диний веб-сайтларни таҳлил қилган [6]. Шунингдек, унинг ишида бугунги кун маданиятида интернет жамоаларининг диний амалиётга таъсири, интернетда диннинг тарихий ривожланиши, онлайн дин ва секуляризация, “симлар дунёси”да дин, онлайн дин ва виртуал жамоалар, ахборот зоналари, ўзаро алоқа зоналари, онлайн жамоа: виртуал ҳақиқат каби масалалар ўз ечимини топган. Хелланд тадқиқотида христианлар, буддавийлар ва викканларнинг виртуал жамоаларини кейс-стади сифатида таҳлил қилган.

Н.В.Свиридованинг “Онлайн дин” номли мақоласида [7:238 – 247] “ru” доменидаги жаҳон динлари веб-сайтларининг қисқача таҳлили келтирилган. Хусусан, А.Е.Войскунский кибермаконда инсон хулқининг асосий тамойиллари сифатида назарий ва эмпирик асосга эга анонимлик, кўчиб ўтиш, яъни воқелиқдан интернет маконига ўтиш ва унинг акси, обрў орттириш, мобилик, муккасидан кетиш (иммерсия) ва гуруҳбозлик масалаларини ўрганган [8:36 – 49]. Олимнинг фикрича, компьютерлаштириш психологияси киберпсихология асосларидан бири бўлди. Шунингдек, у “Компьютерлаштириш психологиясидан интернет психологиясигача” ва “Интернет психологиясининг истиқболлари” каби

мақолаларида киберпсихологияни атрофлича таҳлил этган.

Виртуал оламда бўлиб ўтаётган жараёнлар асарият ёшларнинг ҳаётига чуқур сингиб улгурган. Бу эса уларда турли салбий ўзгаришларга сабаб бўлган. А.А.Антоненко хулқдаги тобеликнинг алоҳида хусусиятларини 9–11 синф ўқувчилари мисолида ўрганган [9]. Олим тадқиқотида ўсмирлар хулқда кузатиладиган интернет, онлайн мулоқот ва компьютер ўйинларига тобеликнинг ўзига хос кўринишлари ва салбий оқибатларини аниқлаб, унинг олдини олувчи психопрофилактик методни ишлаб чиққан.

Инсоннинг кибермакондан узоқ вақт фойдаланиши унда интернетга тобеликнинг пайдо бўлиши билан хатарлидир. Олим Р.А.Баришевнинг қайд этишича [10:15], интернетга тобеликнинг белгилари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: шахснинг тармоқдан фойдаланишни доимий кутиб яшаши, ишда ва уйда овқатланиш учун вақтни қисқартириши ҳамда монитор олдида овқатланиши, иш ва оиладаги мажбуриятларини инкор этиши, интернетда бўлиш учун уйқуни камайтириши, чарчоқ, жиззакилик, тармоқдан ташқарида бўлганда кайфиятнинг тушиши ва тезроқ компьютерга қайтиш истагининг пайдо бўлиши. Олим ўз тадқиқотида интернетга тобелик ва виртуал шахс феноменини жамиятдан бегоналашишнинг икки асосий жиҳати сифатида қайд этган. Зеро, кибермаконда инсон эркинликдан бегоналашади, дастлаб ўзи хоҳлаб буни амалга оширади, чунки тармоқда кенг эркинликнинг иллюзияси пайдо бўлади. Интернетга тобе бўлганидан сўнг эса одатда инсон мустақил равишда ижтимоий маконга, яъни жамият ҳаётига қайта олмайди. Кибермаконнинг жамият ҳаётига таъсир этиб, тармоқ жамиятининг шаклланишига олиб келувчи асосий йўналишларни С.Н.Хуторной таҳлил этган [11:6].

Интернет турли мазмун ва шаклда маълумот берувчи манбаларнинг чексизлиги билан ўз қамровига тушган инсоннинг қизиқишини орттириб боради. Булар жумласига диний мазмундаги кўплаб медиа архивлар, яъни маърузалар, аудиокитоблар, видеороликлар, теле ва радио эшиттиришлар, адабиётлар, форумлар ва видеоўйинларни киритиш мумкин. Хусусан, видеоўйинлар аудиовизуал техниканинг жадал ривожланаётган йўналишларидан биридир. Сўнгги 20 йил давомида компьютер ўйинлари индустрияси ўйин дунёсини моделлаштириш ва ривожланишида сезиларли ўзгаришларга учради. Оддий ўйинлардан то ўзининг тарихи, мифологияси ва маданиятига эга мураккаб ўйинларгача ривожланди. Бу йўналишда Шимолий Коро-

лина университети диншунослик фанлари доктори Винсент Гонзалес Инжилга оид видеоўйинларни таҳлил қилган [12]. Шунингдек, М.С.Новикова видеоўйинлар ва диннинг ўзаро алоқадорлигини христиан динига оид видеоўйинлар мисолида тадқиқ этган [13] бўлса, тадқиқотчи Флоренс Пош эса видео тарқатувчи веб-сайтларда динни ўрганишда вужудга келадиган қийинчиликларни методологик таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар берган.

Тадқиқотларда келтирилишича, Евангел христианлар қарийб 30 йил давомида видеоўйинлар яратиб келганлар. 1982–2011-йиллар давомида уларнинг сони 773 тани ташкил этган [12:10]. Тадқиқотчи Новикованинг қайд этишича, христиан динига оид видеоўйинлар яратиш ғояси 80-йилларнинг бошида пайдо бўлиб, “Focus on the Family” номи Евангел христианлари жамоат ташкилоти фаолияти билан боғлиқ. Ташкилот ғояларидан илҳомланган “Bible Byte” видеоўйин студияси 1982 йилда Инжилда ёритилган мавзуларга оид қатор содда ўйинларни TRS-80 ColorComputer русумидаги уй компьютерлари учун яратган [13:331].

XX асрнинг 90-йилларидан эса технологиялардаги силжиш видеоўйинлар ҳажми, шакли, мақсади, иштирокчиларнинг ортишига сабаб бўлди. Шу билан бир қаторда, видеоўйинлар хулқнинг ижтимоий хавfli аддиктив шакли ҳисобланган компьютер ўйинларига тобеликни юзага келтирди. Бундай тобелик инсонда психопатологик ўзгаришларнинг ривожланиши билан белгиланади ва ижтимоий хулқ-атвор қоидаларининг бузилиши, ҳуқуқбузарлик ва ўз жонига қасд қилишгача олиб боради. Бу йўналишда Д.Г.Рибалтович ўзининг тадқиқотида [14:2] турли даражадаги ўйин аддикцияси¹⁵⁹ бўлган онлайн ўйиндан фойдаланувчиларнинг руҳий ҳолатининг ўзига хослигини аниқлаш ва уларнинг психопрофилактикаси бўйича тавсияларни асослаб берган.

Тадқиқотчилар томонидан маълум бир давлатлар кибермакондаги диний жараёнларнинг таҳлиliga оид ишлар амалга оширилган. Масалан, рақамли жараёнларда Бразилия “пятидесятник”лари (50-кун адвентистлари)нинг ўзига хос белгиларини Катриан Роча Пассос де Соуза ва Рита де Касиа де Арагао Матослар таҳлил қилганлар. Муаллифлар таъкидлашича [15:33 – 51], замонавий жараёнларда “кибер пятидесятник”лар ўзларини рақамли медиаларда фаол фуқаролик ҳиссида эканликларини эълон қилганлар. Шунингдек, тадқиқотда Брази-

¹⁵⁹Лотинча “addictus” сўздан олинган бўлиб, муте, бирон нарсага муккасида кетган, бутунлай содиқ, махрум этилган каби маъноларни билдиради.

лиядаги “пятидесятник” лар черковларга қатнашни тарк этишлари, диний маросимларни бажармасликлари, “кибер пятидесятник” ликкача бўлган жараёнлар ёритилган. Таҳлилларга кўра, фуқаролик ҳисси ва сиёсий фаоллик рақамли воситалар орқали мобилизациянинг шиддатли кучига айланган [15:38].

Филиппинда христианлик эътиқодини овоз орқали эмас, балки матнлар (sms) орқали тарқатишда мобил телефонлардан фойдаланишни Энтони Г. Роман “Худога қисқа хабар: филиппинликлар орасида “sms” ва дин” мақоласида ёритган [16:156 – 166].

Кувайтда интернетнинг ривожланиш тарихи, Яқин Шарқда интернетни ўрганишнинг аҳамияти, Кувайт университетида интернет хизмати, маданий-диний кадрятлар ва университет талабалари интернетдан қандай мақсадларда фойдаланишларига оид социологик сўровнинг таҳлилий натижалари Талал Насер ал-Нажраннинг тадқиқотида ўз аксини топган [17] Сўровномадан Интернетдан ким фойдаланади? Қандай фойдаланади? Нима учун ва нима сабабдан фойдаланади? каби саволлар ўрин олган. Натижалар 589 та талаба иштирокидаги таҳлидан олинган бўлиб, унга кўра интернетдан фойдаланувчиларнинг 55% ўғил болалар, 35 % эса қизлардир. Фойдаланувчиларнинг 68 % фан ва техника факультети талабалари. Ушбу талабалар интернетга нисбатан телевизор кўриш, радио эшитиш ва газеталар ўқишга бирмунча кам вақт сарфлашлари аниқланган.

Ватикан ва замонавий ахборот технологиялари масалаларининг таҳлилни Д.А.Клименконинг тадқиқотида яққол кўриш мумкин [18:107]. Тадқиқотчи ўз изланишида Ватиканнинг замонавий ахборот технологияларига бўлган муносабати ҳамда улардан католик динининг тарғиботи учун фойдаланиш бўйича мисоллар келтирган. Булар жумласига, барча турдаги анъанавий оммавий ахборот воситаларининг онлайн шакллари, интернет каналлари, яъни веб-сайтлар, блоглар, форумлар, видеоблоглар, “Facebook” ижтимоий тармоғи, “rss” орқали обуна бўлиш ва “sms” тарқатмалар кабиларни киритган.

Технологияларнинг ривожланиши мобил телефон авлодларининг такомиллашиб боришида, яъни уларнинг ҳажми оптималлашиши, алоқа сифатининг яхшиланишида, фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш мақсадида бир неча турдаги алоқа воситалари вазифаларини жамлаб, афзалликларга эга бўлишида кузатилди. Улардан энг аҳамиятлиси интернет тармоғига уланиш имкониятининг яратилганлигидир. Натижада интернетдаги мавжуд қулайликлар “мобил шакл”га эга бўла бошлади.

Мобил телефонлар учун ҳар соҳада махсус дастурлар яратилиши такомиллашиб борди. Ўз навбатида бундай жараёнлардан диний мазмундаги мобил иловалар ҳам четда қолмади. Бу борада “iTunes” (базаси) тизимидаги 11 та турли тоифалардаги 450 та мобил диний иловаларни бир гуруҳ изланувчилар тадқиқ этганлар [19]. Тадқиқотчилар 11 тоифани ҳам икки гуруҳга бўлганлар. Биринчи гуруҳга диний амалиётларга мўлжалланган ибодат, медитация ва диний матнларни ўқишга ёрдам берувчи иловалар киритилган. Иккинчи гуруҳ диний мазмундаги контентдан иборат бўлиб, улар анъанавий диний амалиётни қайта жонлантиришдан кўра дунёвий амалиётга диний мазмун беришга йўналтирилган.

Тадқиқотчи Саша А.Қ.Скотт католиклар истиғфор маросимини мобил иловалардан фойдаланган ҳолда амалга оширганликларини таҳлил қилган [20:255]. Ишда қайд этилишича, 2011 йилда илк бор истиғфор иловаси “Confession: A Roman Catholic App” (“Истиғфор: Рим католик иловаси”) номи билан кенг оммага ҳавола этилган. Саша А.Қ. Скотт 2015 йилнинг 5 ноябридан 2016 йил 12 ноябригача “Google Play” ва “iTunes” тизими базасидаги фойдаланувчилар томонидан турли иловалар ҳақида қолдирган фикрлари ва дастурчиларнинг изоҳлари асосида мавзуга оид таҳлилни амалга оширган. Таҳлил натижасига кўра, қуйидаги иловалар фойдаланувчилар томонидан 250 мингдан зиёд маротаба қурилмаларга сақлаб олинган. Булар:



Католик истиғфор иловаларининг логотиплари. Чапдан ўнгга: “Confession: A Roman Catholic App” (“Истиғфор: Рим католик иловаси”), “iConfess” (“i-Истиғфор”), “Mea Culpa” (“Менинг гуноҳим”), “ConfessIt” (“Истиғфор-It”), “The Confession App” (“Истиғфор иловаси”).

Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар эса бевосита “дин ва интернет”, “веб-сайтларда дин”, “интернет ва диний амалиёт” йўналишларини босиб ўтган ҳолда “мобил иловалар ва ижтимоий тармоқларда дин” мавзуси доирасида амалга оширилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири мазкур турдаги мулоқот воситалари ёшлар ва ўсмирлар орасида оммалашаётганидир. Жумладан, Эмбер Никол Адамс

“Ижтимоий тармоқлар ва онлайн атеизм” [21] мавзудаги тадқиқотида тармоқлар орқали инсонлар дунёқарашида атеизмга қизиқишнинг ортишига сабаб бўлувчи омилларни ўрганган.

Марко Тулио де Соуса ва Ана Паула да Роса “Facebook” ижтимоий тармоғидаги тўртта гуруҳнинг постларини таҳлил қилган [22:145 – 169] ҳолда, “Камино де Сантьяго” даги эътиқод ва қарама-қаршилиқлар медиалашган зиёрат амалиётини кейс-стади усулида тадқиқ этганлар.

Грузиядаги динийликнинг замонавий шакли – “Facebook” да дин йўналишини София Звиададзе ўрганган [23].

Инсонлар ўртасида интернетнинг оммалашishi натижасида диний мазмундаги веб-сайтлар сонининг ортиши, уларда жойлаштириб борилаётган динга оид маълумотлар, “рақамли дин” тушунчасининг кириб келиши, фойдаланувчиларнинг фаоллигига оид таҳлиллارни “Интернет ва дин” йўналишидаги тадқиқотлар ўз ичига қамраб олган.

Турли динларнинг веб-сайтлардаги фаоллигининг ортиб бориши бир вақтнинг ўзида ижобий жиҳатларга қараганда салбий жиҳатлари билан барчани хушёрликка чақирди. Компьютерлаштириш психологияси эса киберпсихологияни ривожлантирди. Тиббиёт, психология ва социология йўналишидаги мутахассислар инсоннинг кибермакондан узоқ вақт фойдаланиши натижасида юзга келадиган интернетга тобеллик ва виртуал шахс феноменининг жамиятдан бегоналашиши, тармоқ жамиятининг шаклланишига олиб келувчи асосий йўналишларни, Интернет психологиясининг истиқболларини ўргандилар.

Компьютерларнинг ажралмас қисмига айланган ўйинлар ҳам диний мазмун билан бойитилди. Бу борада ишлаб чиқарилган ўйинлар таҳлили, замонавий ўйинларда диний мазмун каби масалалар видеоўйинлар ва дин йўналишида амалга оширилган ишлар мисолида танқидий ўрганилди.

Шу билан бир қаторда, Бразилия, Филиппин, Кувайт ва Ватикан каби давлатлар кибермаконидаги интернет, ижтимоий тармоқлар, мобил телефонлар ва иловалардаги дин билан боғлиқ муаммолар ҳам тадқиқотчилар диққатини тортган. Мазкур йўналишдаги сўнги тадқиқотлар кўламадан бевосита мобил иловалар ва ижтимоий тармоқларда диний жараёнлар авж олаётганини билиб олиш мумкин. Юқоридаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кибермакonda диннинг вужудга келганига кўп бўлмаган бўлса-да, ўзининг турли-туманлиги ва жамият ҳаётининг ҳар соҳаси ва ҳар қатламини қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Зеро, мазкур йўналишдаги жараёнлар нафақат у ёки бу давлатда, балки, мустақил Ўзбекистон шароитида ҳам

ривожланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Шуни эътиборга олган ҳолда, мазкур мавзу доирасидаги илмий тадқиқотларни танқидий, таҳлилий руҳда ўрганиб, жамиятда кузатилиши мумкин бўлган муаммоларга ечим топиш муҳим масалалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Campbell H. Religion and the internet. Communication Research Trends. Volume 25, 2006, Number 1.
2. Hackett R. Religion and the Internet. Diogenes 211, 2006.
3. Campbell H. Spiritualising the Internet. Online – Heidelberg Journal of Religions on the Internet 1.1 2005.
4. Ўша муаллиф. Religion and the Internet: A microcosm for studying Internet trends and implications. New media & society. 15(5), 2012. – P. 680–694.
5. Campbell H., Vitullo A. Assessing changes in the study of religious communities in digital religion studies. Church, communication and culture, 2016 Vol. 1, No. 1, 73–89.
6. Helland C. Religion on the internet: a sociological inquiry into participation and community online. University of Toronto. 2004. – P. 42.
7. Свиридова Н.В. Религия онлайн. Философские проблемы информационных технологий и киберпространства, № 2. 2011. – С. 238-247.
8. Войскунский А.Е. Поведение в киберпространстве: психологические принципы. Человек № 1, 2016. – С. 36-49.
9. Антоненко А. А. Интернет-зависимость подростков от компьютерных игр и онлайн-общения: клинико-психологические особенности и профилактика. Дисс., автореф. к.псих.н., М., 2014. 19 с.
10. Барышев Р.А. Киберпространство и проблема отчуждения. Дисс., автореф. к.ф.н., Красноярск, 2009. – С. 15.
11. Хуторной С.Н. Киберпространство и становление сетевого общества. Дисс., автореф. к.ф.н., Воронеж, 2013. – С. 6.
12. Gonzalez V. Born-Again Digital: Exploring Evangelical Video Game Worlds. Chapel Hill, 2014. 387 p.
13. Новикова М.С. Христианство и видеоигры: к постановке проблемы. Философия в XXI веке: вызовы, ценности, перспективы. — Екатеринбург, 2016 – С. 329.
14. Рыбалтович Д.Г. Психологические особенности пользователей онлайн-игр с различ-

ной степени игровой аддикции. Дисс., автореф. к.псих.н., Санкт-Петербург, 2012. – С. 2.

15. Catiane Rocha Passos de SOUZA, Dr. Rita de Cassia de Aragao MATOS Between no churched and cyber Pentecostals: religious modus vivendi in the society under mediatization. Journal for Communication Studies, vol. 10, no. 2(20), 2017. – P. 33-51.

16. Anthony G. Roman. Texting God: sms & religion in the philippines. Communicatio Socialis № 2 (39), 2006. – P. 156-166.

17. Al-Najran T.N. Internet adoption and use by Kuwait university students: new medium, same old gratifications. The Ohio State, 1998. 235 p.

18. Клименко Д.А. Ватикан и новые информационные технологии. Вестн. Моск. Ун-та. Сер. 10. № 2, 2010. – С. 107.

19. Campbell H., Altenhofen B., Bellar W., Kyong James Cho. There's a religious app for that!: A framework for studying religious mobile applications. 2014. <http://journals.sagepub.com/doi/abs/10.1177/2050157914520846>

20. Sasha A.Q. Scott. Algorithmic Absolution: The Case of Catholic Confessional Apps. Heidelberg Journal of Religions on the Internet, № 11. 2016. – P. 255.

21. Amber Nicole Adams. Social Networking Sites and Online Infidelity. Walden University. February 2017. 160 p.

22. Marco Tulio de SOUSA, Ana Paula da ROSA. Faith, entertainment, and conflicts on the Camino de Santiago (The Way of St. James): a case study on the mediatization of the pilgrimage experience on Facebook groups. Journal for Communication Studies, vol. 10, no. 2(20), 2017. - P. 145-169.

23. Zviadadze S. I 'like' my Patriarch. Religion on Facebook. New Forms of Religiosity in Contemporary Georgia. <http://nbn-resolving.de/urn:nbn:de:bsz:16-rel-173652>

Moxira ABDULLAYEVA,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиши
ЮНЕСКО кафедраси таянч докторанти*

